

БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД БАЗАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНияТЛАРИ

Юсупов Руслан Бахтиёрович
ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда бюджетлараро муносабатларни оптималлаштириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасининг самарадорлигини ошириш имкониятлари таҳлил қилинган. Бюджетлараро трансфертлар тизимини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва ресурсларни ҳудудлар ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган ёндашувлар кўриб чиқилган. Шунингдек, амалий тавсиялар асосида маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад базасини шакллантириш ва бюджет тизимидаги тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калим сўзлар: бюджетлараро муносабатлар, маҳаллий бюджет, даромад базаси, фискал барқарорлик, трансфертлар, бюджет сиёсат, ресурслар тақсимоми

Abstract. This article analyzes the possibilities of increasing the efficiency of the revenue base of local budgets in Uzbekistan by optimizing inter-budgetary relations. Approaches aimed at improving the system of inter-budgetary transfers, ensuring the financial independence of local budgets, and ensuring a fair distribution of resources between regions are considered. Also, based on practical recommendations, proposals are put forward to form a stable revenue base of local budgets and eliminate systemic problems in the budget system.

Keywords: inter-budgetary relations, local budget, revenue base, fiscal stability, transfers, budget policy, resource allocation

1. Кириш

Янги Ўзбекистон истиқболдаги ривожланишини стратегик йўналишларини ўзида мужассамлаштирган «Ўзбекистон — 2030» Стратегиясида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” мақсадининг белгиланиши давлат бюджети даромадларини самарали шакллантириш ва уларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида оптимал қайта тақсимлаш орқали маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базасини шакллантириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилади. Бунда маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашга нафақат уларга юклатилган харажатларни молиялаштириш салоҳиятини ошириш юзасидан, балки капитал бюджетни оқилона шакллантириш орқали ҳудудий иқтисодий-инвестицион сиёсатни янада ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни асослаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

2. Адабиётлар шарҳи

Худудлар инвестицион фаоллигини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини оширишнинг илмий-назарий, ташкилий-иқтисодий асослари ва уни комплекс баҳолаш методологияси бўйича қатор иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Хусусан, М.Балангувер-Колл [1], Ф.Баллансоде [2], Г.Бойне, С.Бурнсайд, Р.Гиниятуллина [3], Г.Поляк [4], А.Бабич [5], В.Глотов, А.Албеков, Е.Алифанова, В.Кузнесова [6], Л.Вардомаская, М.Соловейкина [7], В.Ковалева, Романовский М.В., О.Рублевская, Б.Сабанти, О.Хордеи, Т.Канева, М.Карпенко, П.Жаксис, К.Крзйсзтоф каби хорижлик иқтисодчи олимлар маҳаллий бюджетлар даромад базаси барқарорлиги детерминантлари ва унга таъсир этувчи омилларни кенг тадқиқ қилишган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов, Т.Маликов, А.Жўраев, А.Бурханов, О.Мейлиев [9], М.Хайдаров [10], Х.Курбонов [11], Ш.Мусалимов [12], Х.Кобулов, Л.Хазраткулова, С.Элмирзаевлар, У.Ўроқов [13] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўллари бўйимча илмий тадқиқот ишларини тизимлаштиришган.

3. Таҳлил ва натижалар

Таҳлил қилинаётган даврларда юқори динамик ўсиш суръатига эга бўлган солиқлар туркумларидан бири бевосита солиқлар ҳисобланади. Ушбу солиқлар асосан яратилган даромадлардан олинadиган солилар ҳисобланиб, ушбу солиқлардан тушумлар 2018-йилда 15656,2 млрд. сўмни ташки қилган бўлса, 2023-йилга келиб 73103,6 млрд. сўмга етган ва ўсиш суръати 466,9 фоизни ташкил қилган.

1-жадвал

Давлат бюджети даромадларининг йиллик ўсиш динамикаси, %да

№	Даромадлар/ йиллар	2018	2019	2020	2021	2022	2023
1.	Бевосита солиқлар	100	202,3	142,7	130,4	109,4	113,4
2.	Билвосита солиқлар	100	112,5	100,0	121,2	126,8	116,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	100	155,4	108,0	108,4	103,8	117,4
5.	Бошқа даромадлар	100	151,4	139,4	132,4	158,7	112,1
	Жами	100	144,6	118,5	124,0	122,5	114,8

1-жадвалда йиллар кесимида, бюджетга алоҳида даромадлар туркумлари бўйича тушумларнинг йиллик динамик ўсиш суръатлари ифодаланган. Хусусан, бевосита солиқлар бўйича таҳлил қилинаётган даврдаги йиллик ўсиш суръати 109,4- 202,3 фоиз диапазонида тебранмоқда.

Ушбу солиқлар туркумида марказий ўринни фойда солиғи ва жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ эгаллаб, улар бўйича тушумларнинг ўсиши самарали инвестицион фаолият ва пировард натижада иқтисодий ўсишга ҳам боғлиқдир. Чунки, ушбу туркум солиқлар бевосита миллий даромаднинг ўсишига боғлиқ равишда солиқ базаси ҳам кенгайиб боради. Бу параллел равишда Республика ва маҳаллий бюджетлар даромад салоҳиятини

юксалишига ҳам таъсир этади. Чунки ушбу солиқлар умумдават тавсифга эга бўлган солиқлар ҳисобланса-да, меёрий ажратмалар воситасидаги ҳудудлар кесимида ундирилган солиқларнинг маълум нисбатларда маҳаллий бюджетларга даромад сифатида берилиши белгиланган.

Самарали инвестицион фаолият таъсирида ушбу юқоридаги икки туркум даромадлар бўйича солиқ базасининг кенгайиши натижасидаги тушумларнинг динамик ўсишини маҳаллий бюджетлар даромад салоҳияти юксалтиришнинг "Умумдават солиқларидан меёрий ажратмалар" механизми қуйидаги хусусиятларга эгадир:

Биринчидан, меёрий ажратмалар бюджет тизими бюджетлари даромад ва харажатлари балансини юқоридан бошқаришнинг оператив молиявий инструменти ҳисобланади. Стратегик контекстда ҳудудий инвестицион фаолиятни юксалтириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш нуқтайи назардан барқарор молиявий инструмент ҳисобланмайди.

Иккинчидан, давлат бюджети даромадларида асосий фискал фактор ролини ўйновчи ушбу туркум солиқлардан меёрий ажратмалар шаклидаги молиявий инструментлар орқали даромадларни қайта тақсимлаш механизми ҳудудларда инвестицион фаолият натижасидаги солиқ базасини кенгайтириш билан боғлиқ стратегик қарорлар қабул қилишдаги ташаббусни рақбатлантирмайди.

Учинчидан, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида "Марказ-ҳудуд" горизонтида меёрий ажратмалар шаклидаги умумдават солиқлардан тушумларнинг юқори улуши маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий қарамлигини ифодалайди.

Демак, ҳудудларда инвестицион фаолиятни ривожлантириш, юқори қўшилган қиймат занжирига асосланган тадбиркорлик шакллари ривожлантиришда кенг вазифалар арсенали билан бирга маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш вазифасини самарали ижросини таъминлаш учун аввало улар бириктирилган даромад манбаларини қонуний равишда кенгайтиришга йўналтирилган фискал марказсизлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Юқоридаги жадваллар асосида учинчи туркум даромадлар яъни ресурс тўловлари ва мол мулк солиғи бўйича тушумлар самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ресурс тўловлари ва мол мулк солиғи бўйича тушумлар 2018-йилда 12663,4 млрд. сўмни, 2023-йилга келиб эса ушбу даромадларнинг номинал қиймати 28079,5 млрд. сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикасида ресурс солиқлари таркибида марказий ўринни эгалловчи солиқлардан бири ер солиғи ҳисобланади. Ер солиғи юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда соддалаштирилган тартибда ундирилиб, улар маҳаллий бюджетлар учун бириктирилган даромад манбаи ҳисобланади.

Ер солиғи рента тавсифидаги солиқлардан бири ҳисобланиб, ер рентаси ушбу солиқнинг обектини ташкил қилади. Демак ер солиғи бўйича маҳаллий бюджетга тушумларни ошириш, бир томондан ерга эгалик қилувчи тадбиркорлик субъектларининг ердан оқилона фойдаланиш натижасида олган даромадларига, иккинчи томондан эса ерга инвестициялаш орқали унинг унумдорлик даражасини ошишига таъсир этувчи дифференциал рентанинг юксалишига боғлиқдир. Чунки миллий бойлигимиз ҳисобланган фойдаланишдаги ер ресурслари унумдорлик даражасининг ортиши ер солиғининг обекти ҳисобланиб, одатда ерларнинг балл бонитетига асосланган ҳолда солиққа тортиш тизимининг амал қилиши амалиётдан маълумдир.

Ер солиғи бўйича тушумларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги ресурс тўловлари ва мол мулк солиғи туркумидаги даромадларда юқори улушни ташкил қилади. Шу билан бирга ушбу солиқдан тушумларнинг динамик тарздаги ортиб бориши кузатишмоқда.

2018-йилда жами ер солиғи бўйича тушумлар 1504,2 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, шундан 44,1 фоизи жисмоний шахслардан ундирилган ер солиғига тўғри келган. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар эса 624,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, жами ер солиғи бўйича тушумларда 41,5 фоизни ташкил қилмоқда.

2023-йилга келиб эса ер солиғидан жами тушум 6890,1 млрд. сўмни, 2018-йилга нисбатан ўсиш суръати эса 458,1 фоизни ташкил қилган. Маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг ўсиш суръатига нисбатан ер солиғидан тушумлар динамик ўсиш суратининг юқори кўрсаткичи ушбу солиқларни маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашдаги аҳамиятининг юқори бўлаётганлигидан далолат беради. Ер солиғи тушумларида ҳам таркибий ўзгаришлар кузатишган.

2-жадвал

Маҳаллий бюджетларга ер солиғи бўйича тушумлар таркиби ва динамикаси, млрд.сўм

Солиқ турлари	2018	Жамига нисбатан %да	2019	Жамига нисбатан %да	2020	Жамига нисбатан %да	2021	Жамига нисбатан %да	2022	Жамига нисбатан %да	2023	Жамига нисбатан %да	2023-йил 2018-йилга нисбатан ўсиш, %да
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	624,8	41,5	1136,6	49,1	1156,2	48,4	2616	64,1	3405	64,2	4008,4	58,2	641,5
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	663,2	44,1	903,5	39,1	1079,9	45,2	1420,3	34,8	1883,9	35,5	2872	41,7	433,1
Ягона ер солиғи	216,2	14,4	273,1	11,8	150,6	6,3	46,5	1,1	17,1	0,3	9,7	0,1	4,5
Жами	1504,2	100	2313,2	100	2386,7	100	4082,8	100	5305,9	100	6890,1	100	458,1

Хусусан, 2023-йилга келиб жами ер солиғидан тушумлар таркибида юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг улуши 58,2 фоизга етиб, 2018-йилга нисбатан тушумлар номинал қийматнинг ўсиши 641,5 фоизга етган. Демак, ўз навбатида таъкидлаш жоизки, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича ставкаларнинг инфляцион омилларни инобатга олган ҳолдаги оптимал индексациялаш ва солиқ базасининг кенгайиши натижасида ушбу солиқлар бўйича тушумлар динамикаси ўсиб бормоқда. Ушбу ўсиш суръатини таҳлил қилинаётган давр йиллари кесимидаги ҳолатини кўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

3-жадвал маълумотларининг тасдиқлашича, жами ер солиғидан маҳаллий бюджетларга тушумларнинг йиллик ўсиш суръати таҳлил қилинаётган даврларда 103,2-171,1 фоиз диапазонида тебранган. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар номинал қийматининг йиллик ўсиши эса 101,7-226,3 фоиз диапазонида тебранган.

3-жадвал

Ер солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга тушумларнинг йиллик динамик ўзгариш тенденцияси, %да

Ер солиғи турлари	2018	2019	2020	2021	2022	2023	$X_{мин}$	$X_{мах}$	Вариацион кенглик $P = X_{мах} - X_{мин}$
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	100	181,9	101,7	226,3	130,2	117,7	101,7	226,3	124,6
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100	136,2	119,5	131,5	132,6	152,4	119,5	152,4	32,9
Ягона ер солиғи	100	126,3	55,1	30,9	36,8	56,7	-	-	-
Жами	100	153,8	103,2	171,1	130,0	129,9	103,2	171,1	67,9

Лекин, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумларнинг йиллик ўсиш суръати эса нисбатан барқарор бўлиб, 119,5-152,4 фоиз диапазонида тебранган. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари учун қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентнинг ортиши натижасида тушумларнинг ўсиши кузатилган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда кўйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин:

Биринчидан, ер солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга ундирилаётган даромадларнинг номинал қийматида йиллик ўсиш кузатилаётган бўлса-да, охириги 3 йилда ушбу йиллик ўсиш суръатида пасайиш кузатилган. Ушбу пасайиш асосан юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича даромадлар номинал қийматининг йиллик ўсиш суръатини нисбий пасайиш тенденцияси билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар йиллик номинал қийматидаги ўсиш суръати хаотик тавсифга эга бўлган (Вариацион кенглик 124,6 фоиз). Бу маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини даромад омиллари кесимида йўқолиш rischiга ушбу даромадларнинг нисбий мойиллигини англатади.

Иккинчидан, ягона ер солиғи шаклидаги даромадларнинг ер солиғи туркумидаги даромад таркибида жуда паст кўрсаткични таъминлаб бериши билан бир қаторда, унинг номинал қийматида йиллик пасайиш кузатилиб борилмоқда.

Учинчидан, жасмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича даромадларнинг номинал қийматидаги йиллик барқарор ўсиш кузатилиб, таҳлил қилинаётган даврдаги ўсиш суръатидаги вариацион кенгликнинг нисбатан паст кўрсаткичи (32,9 фоиз) уларни маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашдаги нисбатан мустаҳкам манба бўлиб хизмат қилишини таъминламоқда.

Тўртинчидан, амалдаги ер солиғини ҳисоблаш методологияси, қишлоқ хўжалигида ернинг сунъий ва иқтисодий унумдорлик (И ва ИИ дифференциал ер рентаси) даражасини оширишга инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ интенсив ривожланиш жараёнини рағбатлантириш хусусиятига эга эмас. Чунки, ернинг балл бонитет қанчалик ортиб борса, шунчалик солиқ юки ортиб боради. Табiiй равишда ер эгалари томонидан ернинг унумдорлик даражасини оширишга қаратилган интенсив ривожланишга инвестицияларни жалб қилиш иштиёқига юқори солиқ юкининг юзага келиши натижасида фискал босим салбий таъсир этади.

Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари таркибидаги етакчи аҳамиятга эга бўлган солиқлардан бири мол мулк солиғи ҳисобланиб, ушбу солиқлар бўйича тушумларнинг динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилган. Мол мулк солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан реал солиқлар туркумига киритилса-да, унинг маҳаллий бюджет даромадларидаги улушини ортиб бориши кўп жиҳатдан ҳудудлардаги асосий капиталга инвестицияларни фаол жалб қилиш натижасидаги миллий бойликни тўпланиш даражасига ҳам боғлиқдир.

Табiiй равишда юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ушбу туркум солиқлар таркибида етакчи аҳамият касб этиб ушбу солиқлардан тушумларнинг 2018-йилги номинал қиймати 1897,6 млрд. сўмни, ушбу кўрсаткич 2023-йилга келиб эса 3609,3 млрд. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган давр боши ва охирига нисбатан ўсиш 190,2 фоизни ташкил қилган.


4-жадвал

Маҳаллий бюджетларга мол-мулк солиғи бўйича тушумлар таркиби ва динамикаси, млрд.сўм [14]

Даромад турлари	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2023-йил 2018-йилга нисбатан ўсиш, %да
Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	1897,8	1553,7	1240,8	1576,1	3040,6	3609,3	190,2
Жисмоний шахслардан	708,3	806,5	733,4	881,2	974,9	1488,4	210,1

олинадиган мол-мулк солиғи							
Жами мол-мулк солиғи	2606,1	2360,2	1974,2	2457,3	4015,5	5097,7	195,6

Демак, хулоса қилиш мумкинки, жами мол мулк соғиғи туркумига киритилган солиқлар бўйича ўсиш суръатига (195,6 фоиз) юридик шахслармол мулкига солиқнадиган солиққа (190,2 фоиз) нисбатан, жисмоний шахслардан олинадиган мол мулк солиғининг таъсири (210,1 фоиз) юқори бўлмоқда. Ҳолбуки, жисмоний шахслардан олинадиган мол мулк солиғи таҳлил қилинаётган туркумдаги солиқлар қаторида иккинчи ўринни эгаллаб, 2018-йилда ушбу солиқлар бўйича тушумларнинг номинал қиймати 708,3 фоизни, 2023-йилга келиб эса барқарор ўсиб бориш тенденциясида 1488,4 млрд. сўмни ташкил қилган.




1-расм. Мол-мулк солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга тушумларнинг йиллик динамик ўзгариш тенденцияси, %да

1-расмдан кўриш мумкинки, 2019-20 йилларда юридик шахслар мол мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумлар номинал қийматининг йиллик пасайиш тенденцияси кузатилган. 2021-йилдан бошлаб барқарор ўсиш кузатилмоқда. Лекин ўсиш суръати 2023 йида пасайиб 118,7 фоизни ташкил қилган.

Бу ўз навбатида, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси амалдаги 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилиши ҳисобига таъминланган. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 0,4 фоиздан 0,5 фоизга ўзгартирилган. Солиқ солиш мақсадида бинолар бўйича солиқ базаси қуйидаги миқдорларда 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги жорий этилганлиги таъсир қилган. Хусусан, 2022-йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм ва қолган ҳудудларда – бир миллион сўм этиб белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилиниши натижасида ушбу солиқдан тушумлар ўсишига таъсир қилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол мулк солиғи бўйича тушумлар номинал қиймати 2021-йилдан бошлаб барқарор ўсиш суръатини таъминлаган ва 2023-йилда 2022-йилга нисбатан 152,7 фоизни ташкил қилган. Натижада жами мол мулк солиғи таркибидаги ўзгаришлар кузатилган.



2-расм. Мол-мулк солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга тушумларнинг йиллик динамик ўзгариш тенденцияси, %да

2018-2023 йиллар мобайнида жами мол мулк солиғидан тушумлар таркибида табиий равишда юридик шахслар мол мулкига солинадиган солиқ юқори улушга (мин.62,9-мах.75,7) эга бўлса-да, жисмоний шахслардан олинадиган мол мулк солиғи улуши кейинги 2 йил мобайнида ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида солиқ тушумларининг номинал қийматини йиллик ўсиш суръати ҳисобига таъминланган.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича камайтирилган солиқ ставкалари миқдорининг ортиши, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини индексация қилиниши натижасида тушумларнинг ўсиши кузатилган.

5-жадвал.

Мол-мулк солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга тушумларнинг йиллик динамик ўзгариш тенденцияси, %да

Даромад турлари	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	100	81,9	79,9	127,0	192,9	118,7
Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	100	113,9	90,9	120,2	110,6	152,7
Жами мол-мулк солиғи	100	90,6	83,6	124,5	163,4	127,0

Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 30-декабрдаги ЎРҚ-742 ва 813-сонли Қонунлари асосида жисмоний шахсларнинг мулк қийматликларини ижарага беришда олган даромадларини солиққа тортиш тизимида ўзгаришлар

кузатилди. 2022-йилдан бошлаб мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланди. Бунда, уй-жойларни ижарага беришни энг кам ставкалари уч тоифадаги ҳудудларга таснифлаган ҳолда ("Тошкент шаҳри", "Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар" ҳамда "бошқа аҳоли пунктлари"), автомобил транспортлари учун эса ҳудудидан қатъий назар бир хил меъёрга белгиланди. Уй-жой ижараси ва автомобил транспортларида хизмат кўрсатиш нархлари ҳамда ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжлар Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар каби бошқа саноатлашган, туристик ва йирик савдо нукталари мавжуд бўлган туманларда ҳам ортиб бормоқда. Масалан, Гиждувон, Ургут, Паркент, Денов, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Хазорасп, Зомин ва Қўрғонтепа туманлари (Қорасу шаҳарчаси)да саноат, туристик ва йирик савдо нукталари мавжудлиги ҳамда Тошкент шаҳри ёки вилоятлар марказларига туташ ҳудудлар сифатида бошқа туман (шаҳар)ларга нисбатан хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори бўлмоқда.

Фикримизча, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш ваколатларини ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларига берилиши мақсадга мувофиқ.

4.Хулоса

Таҳлиллар натижасида умумий хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда маҳаллий бюджетлар даромад базасини барқарорлаштириш билан боғлиқ ислохотлар асосан давлат бюджети даромадларини маҳаллий бюджетлар учун бириктирилган даромад сифатида бериш амалиётига асосланмоқда.

Ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, улар инвестицион фаолиятини юксалтириш ҳисобига ҳудудлар кесимидаги солиқ базасини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини барқарорлаштириш билан боғлиқ улар даромадларни стратегик бошқариш сиёсати самарадорлиги нисбатан паст бўлмоқда.

Гарчи, ҳудудий инвестицион сиёсат самарадорлигини ошириш орқали ялпи ҳудудий маҳсулотни стратегик горизонтда ошириш орқали таъминланадиган маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад базасини шакллантириш сиёсати макроиқтисодий сиёсат кутилмаларида вақтинчалик лаг ҳисобига яқин истиқболда натижаларга эга бўлмаса-да, истиқболдаги барқарор даромад базасини шакллантиришнинг ягона ечими ҳисобланади.

ЯИМ (ЯҲМ) ва бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ўзгариш эластиклиги тўғрисидаги ҳисоб китобларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳудудий инвестицион сиёсат ва маҳаллий бюджетлар даромад салоҳияти билан узвий боғлиқликда кўрадиган бўлсак, тизимли прагматик тарзда олиб борилаётган фискал сиёсат самарали ҳудудий инвестицион

фаолият натижасидаги ЯХМнинг ўсиши ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини янада мустаҳкамлашга шарт шароит яратмоқда.

Лекин, ЯИМ (ЯХМ) ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўзгариши эластиклигилигидаги хаотик тебраниш ташқи шокларга таъсири нейтрал бўлган солиқларни бириктириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини янада мустаҳкамлашни тақозо қилади.

Маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган вазифалар самарали ижросини молиявий таъминлашнинг асосий молиявий манбаи ҳисобланар экан, замонавий шароитларда унинг ижтимоий роли ислохотларнинг ҳозирги шароитида устувор аҳамият касб этади.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритиш ваколатини бериш лозим.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Balaguer-Coll, M.T. Local government efficiency: determinants and spatial interdependence / M. T. Balaguer-Coll, M. I. Brun-Martos, L. Marquez-Ramos, D. Prior // *Applied Economics*. - 2019. – № 14(51). – P.1480-1483. – DOI 10.1080/00036846.2018.1527458.

2. Balassone, F. Assessing Fiscal Sustainability: A Review of Methods with a View to EMU [Electronic resource] / F. Burnside, C. Fiscal Sustainability in Theory and Practice [Text] : A Handbook / C. Burnside. - World Bank, 2005. - 285 с.

3. Гиниятуллина, Р.Р. Роль государственного бюджета в развитии страны / Р.Р. Гиниятуллина. — Текст : электронный // *НоваИнфо*, 2016. — № 45 — С. 191-195 — URL: <https://novainfo.ru/article/5780> (data obrasheniya: 23.03.2024).

4. Бюджетная система России: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Г.Б. Поляка. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. – (s. 19) 550 с.

5. Бабич, А. М. Государственные и муниципальные финансы : учебник / А. М. Бабич, Л. Н. Павлова. – 2-й изд., перераб. и доп. – Москва: Юнити-Дана, 2017. – 704 с.: tabl. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=684682>;

6. Кузнецова, В. П. Финансы и кредит : учебное пособие : [16+] / В. П. Кузнецова, Л. П. Вардомаская, М. П. Соловейкина ; под ред. В. П. Кузнецовой;

7.Ивасенко, А. Г. Финансы: 100 экзаменационных ответов : учебной пособие : [16+] / А. Г. Ивасенко, В. Д. Михалев, Я. И. Никонова. – 4-й изд., стер. – Москва: ФЛИНТА, 2022. – 281 с. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=103527>.

8. Ковалева В. В. Финансы: учеб. -2-й изд., перераб. и доп./иод ред.— М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007.—с.184-195 (610 с).

9. Meyliev O. R. Mahalliy byudjetlar moliyaviy barqarorligini ta'minlash yo'llari // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy jurnali. №4, avgust, 2021-yil. ISSN: 2181-1016. / <https://www.researchgate.net/publication/354782180>.

10. Xaydarov M.T. Mahalliy byudjetlar mustaqilligini oshirish masalalari // Iqtisod va moliya, 2017-y.- 21-30 bb. / <https://cyberleninka.ru/article/n/ma-alliy-byudzhelar-musta-illigini-oshirish-masalalari>.

11. X.A.Qubonov Hududlar byudjet salohiyatini oshirish orqali ularni subvensiya dan chiqarish imkoniyatlari. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2017-yil, Maxsus son. - 60-65 betlar.

12. Musalimov Sh. I. Doxodnyy potensial mestnyx byudjetov: osobennosti i problemy formirovaniya v sovremennyx usloviyax // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020-yil.-16-245 betlar. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/3_Musalimov.pdf.

13. O'roqov U. Yu. Mahalliy byudjetlar mustaqilligini oshirishni takomillashtirish yo'llari», 08.00.07 – Moliya, pul muomalasi va kredit ixtisosligi bo'yicha iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori ilmiy darajasini olish bo'yicha dissertatsiya Avtoreferati.

14. www.mf.uz